Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 30 сентябрь, № 204 (9375) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

НАВБАТДАГИ МАҚСАД – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЖАҲОН ШАХМАТ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИШ

Президент Шавкат Мирзиёев шахмат ва парашахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоалари аъзолари, уларнинг яқинлари, устоз ва мураббийлари билан учрашди.



Давлатимиз раҳбари шахматчиларимизни Самарқандда ўтказилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасидаги тарихий ғалаба билан яна бир бор табриклади.

— Икки карра Олимпиада чемпиони деган юксак ва шарафли унвон барчамизга, бутун Ўзбекистон халқига муборак бўлсин! — деди Президентимиз.

Самарқанддаги Олимпиадада 200 дан ортиқ мамлакатлардан 2 мингга яқин шахматчи, жумладан, кучли гроссмейстерлар ва амалдаги чемпионлар иштирок этди. Ана шундай рақобатда юртдошларимиз Ўзбекистон байроғини энг баландга кўтарди. Ғалабанинг ўз юртимизда, халқимиз кўз ўнгида қўлга киритилгани унга алоҳида маъно бағишлади.

Мусобақани бевосита кузатиш учун Самарқандга 60 мингдан ортиқ маҳаллий ва хорижлик меҳмонлар келди. Қарийб 500 минг киши жойлардаги мухлислар учун ҳудудларда, телеэкран ва интернет орқали эса миллионлаб ватандошларимиз баҳсларни ҳаяжон билан кузатди.

Мамлакатимиз етакчиси ҳал қилувчи ўйинларга тўхталиб, амалдаги Олимпиада чемпиони Ҳиндистонга қарши учрашувни алоҳида эслади. Нодирбек Ёқуббоев Ниҳал Саринга қарши партияда оғир вазиятга тушганига қарамай, курашни охиригача давом эттирди. Рақибнинг хатосидан фойдаланиб амалга оширган тактик юришлари жамоамизга ҳал қилувчи ғалабани олиб келди.

Шундан сўнг Ўзбекистон якка пешқадамга айланди. Шахматчиларимиз Хитой терма жамоасини 3:1 ҳисобида енгди, жаҳон рейтингида биринчи ўринда турган, олти карра Олимпиада чемпиони АҚШ жамоасидан ҳам устун келди.

Нодирбек Абдусатторов мусобақани бирорта мағлубиятсиз ўтказиб, биринчи тахтада олтин медалга сазовор бўлди. Унинг жаҳон рейтингида учинчи ўринда турган Фабиано Каруанага қарши мураккаб эндшпилда қозонган ғалабаси ҳам алоҳида эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари Жавоҳир Синдаровнинг Номзодлар турниридаги тарихий муваффақиятини ёдга олди. У Олимпиадада ҳам совуққонлик ва барқарорлик кўрсатди. Президентимиз Жавоҳирга жаҳон тожи учун бўлажак беллашувда бутун Ўзбекистон халқи ишонишини таъкидлади.

Олимпиадада илк бор қатнашган Муҳиддин Мадаминов ҳал қилувчи кунда украиналик Роман Дехтиаровни қора доналарда енгиб, жамоага олтин медаль учун зарур очкони келтирди. Шамсиддин Воҳидов эса амалдаги жаҳон чемпиони Гукешга қарши қора доналарда тенгма-тенг курашди. Таъкидланганидек, бу ғалабада жамоа ҳар бир аъзосининг ҳиссаси бор.

Ўзбекистон Олимпиадада эркаклар ва аёллар ўртасида жами олтита терма жамоа билан иштирок этди. Эркаклар ўртасидаги иккинчи жамоамиз жаҳон рейтингида олтинчи ўринда турган Нидерландияни йирик ҳисобда мағлуб этди. Учинчи жамоа аъзоси, 17 ёшли Асроржон Омонов саккизта ўйиннинг еттитасида ғалаба қозонди.

— Бизда 2-3 нафар шахматчи эмас, балки бутун бошли кучли авлод бор десак, бу ҳам ҳақиқат, — деди Президентимиз.

Аёллар терма жамоалари ҳам матонат кўрсатди. Биринчи жамоа 11 турнинг еттитасида ғалаба қозониб, кучли рақиблар билан тенгма-тенг ўйнади. Афруза Ҳамдамова, Гулрухбегим Тоҳиржонова, Умида Омонова, Нилуфар Имомқўзиева, Гулдона Каримова ва бошқа шахматчи қизларнинг меҳнати эътироф этилди. Давлатимиз раҳбари келгусида ўзбек шахматчи қизлари ҳам Олимпиада шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилишига ишонч билдирди.

Самарқандда ўтган учинчи ФИДЕ парашахмат олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси илк бор бронза медалини қўлга киритди. Селби Какишова етти ўйинда олти очко жамғариб, ўз тахтасида кумуш медалга сазовор бўлди. Абдулазиз Баҳодиров шахсий ҳисобда бронза медалини олди, Аҳадхон Кимсанбоев эса мусобақани мағлубиятсиз якунлади. Президентимиз парашахматчиларнинг иродаси ва меҳнатини юксак баҳолади.

Учрашувда ушбу натижалар ортида спортчиларнинг ота-оналари, биринчи устозлари, мураббийлари ва уларни қўллаб-қувватлаган жамоалар тургани таъкидланди. Президентимиз жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов тажриба ва билимини янги авлодга етказиб келаётганини алоҳида эътироф этди.

— Устознинг энг катта ғалабаси — шогирдларининг ундан ҳам баланд марраларга чиқишидир! — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон шахмат федерациясининг ФИДЕ томонидан “Энг яхши федерация” деб эътироф этилгани, Рустам Қосимжонов ФИДЕнинг фахрий вице-президенти, Ҳулкар Тоҳиржонова эса Марказий Осиё бўйича минтақавий президенти этиб сайлангани мамлакатимизнинг жаҳон шахматидаги нуфузи юксалаётганидан далолат экани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Эрон Президентини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат ва масъулиятли давлатчилик фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Мулоқот давомида кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Эрон Президентлари минтақавий кун тартиби ҳамда бўлажак тадбирлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎзА.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШДА МУҲИМ ВОСИТА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева тўртинчи Ўзбекистон — Беларусь парламентлараро форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Беларусь Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси Наталья Кочанова билан учрашди.

Учрашув

Суҳбат чоғида парламентлар ўртасида мунтазам мулоқотни давом эттириш, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда уларнинг ролини кучайтириш, қўмита ва парламентлараро ҳамкорлик бўйича гуруҳлар ўртасида алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш ҳамда ўзаро савдо ҳажмини оширишда парламентлар ролини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда таълим-тарбия тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳада ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнига илғор тажрибалар, инновацион педагогик ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш ишларига қўшаётган муносиб ҳиссаси, ўқувчи ёшларга замонавий билим ва касб-ҳунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, маънан етук, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш йўлидаги катта хизматлари, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки, шунингдек, юртимизда таълимга оид инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони билан

Саидов Эргаш Алланазарович — Денов туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Сапарбаев Азимбай Сабурович — Амударё туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони билан

Шамукарамов Камил Туйгунович — Чиноз туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Хакимова Рахима Салижоновна — Наманган шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Раимов Исматулла — Зомин туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг жамоатчилик кенгаши раиси, Жиззах вилояти

Солеев Ахмаджон — Самарқанд давлат университетининг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор» фахрий унвони билан

Курбонов Миртемир Шодиевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

Муқимов Ботирбек Ашурович — Олтинкўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Нажмидинов Вахиддин Эргашевич — Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг баҳодирлар ўйинлари ва тош кўтариш бўлими мураббийси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан

Утеева Гулнора Лукмановна — Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг ўзбек халқ чолғулари бўлими жўрнавози

(Давоми 2-бетда).

Фахр

АҚЛ ВА ТАФАККУР ЖАСОРАТИ БУ

Хабар берганида йиллар қатидан
Сирларни бағрида жам этган мозий.
Қисмат туҳфа этган ҳаёт хатидан
Кимдир бўлди фақир, ким эса ғозий.

Дунё айланаркан тўхтамай гир-гир,
Ишини қиларкан чархи кажрафтор.
Бир юксак рутбани бахш этди тақдир,
Ҳеч зот қилолмади бу бахтни тор-мор.

Қалбига туганмас қаноат тилаб,
Ўзин ғолибликка шайлади бу юрт.
Улуғлар йўлларин аста оралаб
Дунёни ҳангу манг айлади бу юрт.

Ўтса ҳамки мана неча ой, йиллар,
Қанча ўзгармасин дунда шакл, ранг.
Ҳужумга ҳозирдир отлару филлар,
Бугун тахта узра борар эзгу жанг.

Шоҳни мот қилганни кўрганмисиз ҳеч,
Ақл ва тафаккур жасорати бу.
Мард билан майдонда юрганмисиз ҳеч,
Бетимсол она юрт ҳарорати бу!

Олам ҳам ҳайратда бу курашлардан,
Рақибни шошириб қўйган вазият.
Мардона ва кескир зўр юришлардан,
Ғалаба қозонди ҳар эзгу ният.

Тўлқинлар оралаб юрди ҳаяжон,
Миллионлаб нигоҳлар тополмади жой.
Ким ғолиб бўлмайди келганда имкон,
Бошингда жилмайиб турса қуёш, ой?!

Аждодлар руҳини жо этиб қалбга,
Ана, қаранг, ёвқур ўғлонлар келар.
Ҳар бири ўхшайди таптортмас алпга,
Буни кўрган очун яна тан берар.

Дилларни безаган ёруғ хуш калом,
Безак берар экан токи зафарга.
Илло, етакласин уларни мудом
Юртбоши тилаги ғалабаларга.

Юртим кундан-кунга кўтараркан қад,
Саодату тинчлик қуёши кулсин.
Эзгуликнинг қўли бўлсин сарбаланд,
Ёвузлик лашкари доим мот бўлсин!

Ўткир РАҲМАТ

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Мамажанов Алижон — Фарғона давлат университетининг тилшунослик кафедраси профессори, Фарғона вилояти

Мелиев Абдуҳалим Хуррамович — Самарқанд шаҳридаги “Нурли маскан” ихтисослаштирилган 59-мактаб-интернати директори, Самарқанд вилояти

Мухамедбаева Замира Абдулжапаровна — Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали кимёвий технологиялар кафедраси профессори, Сирдарё вилояти

Нишанов Нурмухамад Хажимаматович — Учқўрғон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Очилов Шухрат Саидович — Бухоро тумани спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийси, Бухоро вилояти

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Йўлдашев Дилмурод Каримжонович — Шаҳрихон тумани ихтисослаштирилган мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Кўчкинов Зиёдулло Ахмедович — Бандихон тумани ихтисослаштирилган мактабининг тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Миртаджиева Карамат Тахировна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институти лаборатория мудири

Сайимова Сарсенгул Алписбаевна — Қораўзак туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сафаров Эшкабул Юлдашович — Ўзбекистон Миллий университетининг геодезия, картография ва кадастр кафедраси профессори

Узаков Заир — Қарши давлат техника университети компьютер тизимларининг дастурий ва техникавий таъминоти кафедраси профессори, Қашқадарё вилояти

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Виноградова Валентина Ивановна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими

Гофурова Саодат Мусаевна — Марғилон шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Пардаев Шукурулла Бозорович — Боёвут туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Усманова Наргиза Мирзадавлатовна — Мирзо Улуғбек туманидаги 190-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Яхшиева Зухра Зиятовна — Жиззах давлат педагогика университетининг табиий фанлар факультети декани, Жиззах вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдуллаева Гулноз Хасановна — Урганч тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Бекмуродова Сожида Ўраловна — Яккасарой туманидаги 160-ихтисослаштирилган мактабининг технология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Исхакова Мавлюда Рахмановна — Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг педагогика ва психология кафедраси доценти

Муратова Гулбахор Камилевна — Юнусобод туманидаги “Erudite education” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Нурова Наргиза Ташевна — Кармана туманидаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 25-мактаб-интернатининг якка эшитиш фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хакимова Абидахон Азимжоновна — Асака туманидаги 57-умумий ўрта таълим мактаби директори, Андижон вилояти

Холиқов Тўрақул Жўраевич — Ғиждувон туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Шодиев Бектош Шокирович — Каттақўрғон туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Ангела Папенбург — Германия Федератив Республикасининг “GP Gьnter Papenburg AG” компанияси директорлар кенгаши аъзоси

Байриева Алмагул Қурбановна — Қорақалпоқ давлат университетининг сиёсатшунослик ва маънавият асослари кафедраси мудири

Бегишева Лаура Дюшеевна — Хонобод шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Бузикова Гулсина Фаязовна — Яшнобод туманидаги “Diplomat international school” нодавлат таълим муассасасининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Имамов Эркин Зуннунович — Тошкент ахборот технологиялари университетининг физика кафедраси профессори

Кан Людмила Николаевна — Яшнобод туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Кандрегула Ганга Бҳавани Сантош Кумари — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Хорижий мутахассисларни жалб қилиш бўйича экспертлар кенгаши аъзоси

Маттиас Клингенберг — Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг “Ўзбекистонда касбий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш жараёнини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси раҳбари

Мураткин Валерий Николаевич — Бектемир туманидаги 1-спорт мактабининг йўриқчи-услубчиси, Тошкент шаҳри

Разова Батпа Пазиловна — Бўстонлиқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Сатторов Бобоназар Нуфтиллаевич — Касби тумани 1-техникуми директори, Қашқадарё вилояти

Фу Зенгзҳенг — Ўзбекистон — Хитой касбий таълим альянси бош котибининг ўринбосари

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Абдурафикова Дилдора Абдувахидовна — Оҳангарон шаҳридаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 7-мактаб логопеди, Тошкент вилояти

Абдурахмонова Нигора Худойбердиевна — Абу Али ибн Сино номидаги Термиз жамоат саломатлиги техникуми директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Сурхондарё вилояти

Мамарасулов Тўлқинжон Мирзаевич — Қарши давлат университетининг тиббиёт факультети кафедра мудири, Қашқадарё вилояти

Турдибоев Абдуғани Абдуғаппорович — Фарғона шаҳридаги ногиронлиги бўлган болалар учун “Ғамхўрлик” маркази директори, Фарғона вилояти

«Мардлик» ордени билан

Алламбергенова Нигора Гулмурзаевна — Қонликўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мусаев Мирзахмат Байматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг От спорти бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийси

Кушмуротов Элмурот Журакулович — “University of innovation technologies” нодавлат таълим муассасаси таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сафаров Суҳробжон Янгибой ўғли — Жарқўрғон тумани спорт мактаби директори, Сурхондарё вилояти

Юнусов Ахмадали Хайдаралиевич — Учкўприк тумани 2-техникумининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

«Соғлом турмуш» медали билан

Алиева Наргиза Зиёдиллаевна — Навоий педагогика техникумининг педагогика психологияси фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Бобоев Пўлат Жумабоевич — Ҳазорасп туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Гадоев Азизбек Илхомович — Гулистон шаҳридаги “Болажонлар хонадоним қувончи” оилавий болалар уйи раҳбари, Сирдарё вилояти

Евстафьева Оксана Шукуровна — Мирзо Улуғбек туманидаги 190-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мукумова Шахноза Бурановна — Қарши ихтисослаштирилган маданият мактабининг мусиқа назарияси ва фортепиано бўлими ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Пардаева Гавҳар Дониёровна — Самарқанд шаҳридаги Президент мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Умирзаков Алишер Абдикасимович — Оҳангарон туманидаги “Илғор кичкинтойлар” оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, Тошкент вилояти

Халматов Комил Турниязович — Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати директори

Эргашева Фирюза Давлатовна — Когон шаҳридаги “Анисаой” оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Бухоро вилояти

«Жасорат» медали билан

Ембергенова Гулнара Жолдасбаевна — Нукус шаҳридаги “Бахтли оила” оилавий болалар уйи раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Зиётов Фаррух Саодилла ўғли — Қарши шаҳридаги “Нурли маскан” ихтисослаштирилган 18-мактаб-интернатининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Каршиева Гулноза Туракуловна — Томди тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Рўзметова Лайло Худоёровна — Нуробод туманидаги 78-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Маматова Назокат Шарипбаевна — Урганч шаҳридаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 32-мактаб-интернати директори, Хоразм вилояти

Мўминов Фазлиддин Хусниддин ўғли — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Йиғма-ахборот ва ҳудудий масалаларни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Расулов Содиқ Саъдуллаевич — Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси директорининг ўринбосари

Толипов Шохжахон Улуғбек ўғли — Бувайда туманидаги “Vint” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Хамдамов Нодир Мухаматович — Когон шаҳридаги “Akbarjon barakat” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

«Келажак бунёдкори» медали билан

Абдубекова Мадина Ровшан қизи — Юнусобод туманидаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг вокал синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Атоев Абубакир Иззатилло ўғли — Бухоро давлат техника университетининг электр ва энергетика муҳандислиги кафедраси ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Сангиров Жуманиёз Алижон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг Ёш олимлар кенгаши раиси ўринбосари

Хасанов Азизбек Эркин ўғли — Навоий шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Шукуруллаева Моҳинур Бахром қизи — Тахиатош туманидаги 6-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Юлдашев Фаррух Худаярович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг рақамлаштириш ва ахборот технологиялари гуруҳи раҳбари

«Шуҳрат» медали билан

Абдиева Турдигул Абдужаббаровна — Самарқанд шаҳридаги 80-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Авлакулов Даврон Олимович — Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Алибаева Барно Мусурмоновна — Дўстлик туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Алимова Саодатхон Тойировна — Қува туманидаги 66-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ахматова Каромат Абдулазизовна — Юнусобод туманидаги 259-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ахметова Шахноза Толкуновна — Мирзо Улуғбек туманидаги 210-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Фиёсов Хасан Мамирович — Шароф Рашидов тумани ихтисослаштирилган мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Исмоилова Одинахон Абдукаххаровна — Избоскан туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг иқтисод фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Йўлдошева Насиба Махсуд қизи — Гурлан туманидаги “Йўлдошева Насиба” оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Хоразм вилояти

Камалов Неъматжон Баҳодирович — Боғот тумани ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Каттаева Шаҳноза Шодиевна — Навоий шаҳридаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Курбанова Ирода Джалаловна — Қўқон шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қулманова Нодира Эшдавлат қизи — Жарқўрғон тумани ихтисослаштирилган мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Менглиева Хурсанд Ражабовна — Нишон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мирхамитова Дилором Худайбердиевна — Олмалиқ давлат техника институтининг металлургия ва кимёвий технологиялар факультети декани, Тошкент вилояти

Муродова Марзия Мажитовна — Вобкент туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Пардаева Юлдуз Ибрагимовна — Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Садинов Аброр Самадович — Пахтачи тумани 1-техникуми директори, Самарқанд вилояти

Садуллаева Нигора Руслановна — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги Кўп функционал инклюзив-ресурс маркази директорининг ўринбосари

Сангирова Замира Бозорбоевна — Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик марказининг педагогик маҳорат ва инклюзив таълимни ривожлантириш бўлими бошлиғи

Собитов Ахмаджон Мархаматович — Миробод туманидаги “Novda Edutainment” янги авлод дарсликларини тайёрлаш жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

Сулаймонов Талъат Хаётжонович — Янгиобод туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактаби директори, Жиззах вилояти

Темирова Адолат Авазхановна — Янгийўл агротехнологиялар техникумининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент вилояти

Тоҳиров Дониёр Бахтиёр ўғли — Чуст тумани ихтисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Умарова Муаззам Эргашевна — Шаҳрисабз туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Умарова Саидахон Пулатовна — Янгиқўрғон туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Урунов Анвар Жамолиддинович — Наманган шаҳридаги “LSL school” хусусий мактаби директори, Наманган вилояти

Холходжаев Боходир Асатуллаевич — Тошкент давлат техника университетининг олий математика кафедраси доценти

Худойбердиев Дилшод Анорбой ўғли — Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг кимё фани ўқитувчиси

Чориева Нилуфар Шайдуллаевна — Музработ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 29 сентябрь

НАВБАТДАГИ МАҚСАД — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЖАҲОН ШАХМАТ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бу натижалар тасодифий эмас. Бу — мактаб, бу — тизим, бу — ўзбек шахматининг янги даражаси, — деди Президентимиз.

2018 йилда қабул қилинган қарор асосида мактабларда шахмат ўқитиш, мураббийлар тайёрлаш ва клубларни ривожлантириш йўлга қўйилди. Сўнгги ўн йилда 17 нафар шахматчимиз халқаро гроссмейстер унвонига эга бўлди, уларнинг беш нафари аёллардир.

Давлатимиз раҳбари навбатдаги мақсадни белгилаб берди: Янги Ўзбекистонни нафақат Олимпиада чемпиони, балки дунё шахмат марказига айлантириш. Бунинг учун мамлакатимизда тажриба, натижа ва ёшларга намуна бўладиган чемпионлар борлиги таъкидланди. Улардан илҳомланган минглаб болаларнинг шахматга кириб келиши янги истеъдодларни кашф этиш учун мустаҳкам замин яратади.

Шу мақсадда ҳар бир вилоят, туман ва маҳаллада иқтидорли болаларни эрта аниқлаш, уларни кучли устозларга бириктириш ва халқаро турнирларда мунтазам қатнашишига шароит яратиш вазифаси қўйилди. Қизлар шахмати ва парашахматни ривожлантириш бўйича алоҳида тизим ташкил этилади.

Тошкент халқаро шахмат академиясининг Самарқанд, Хоразм ва Фарғонада минтақавий филиаллари очилади. Академияда олий тоифали мураббийлар тайёрлаш йўлга қўйилади. ФИДЕ рейтингида 1 минг 500 дан юқори балл тўплаган шахматчиларнинг хусусий клубларда ўқиш харажатларининг ярми давлат томонидан қопланади.

Шунингдек, “O‘zbekiston Grand chess” миллий бренди остида халқаро турнирлар мунтазам ўтказиб борилади. Президентимиз Янги Тошкентда 500 кишилик ўйин зали, ётоқхона ва спорт майдончаларига эга замонавий шахмат саройини барпо этишни таклиф қилди.

Учрашувда шахмат ва парашахмат олимпиадалари ғолиб ва совриндорларини, уларнинг мураббийларини рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилингани маълум қилинди. Унга мувофиқ, чемпионларга уй-жой ҳамда автомобиль берилди. Бронза медалини қўлга киритган парашахматчилар ҳам уй-жой ва автомобиль билан тақдирланди. Терма жамоалар бош мураббийлари Рустам Қосимжонов ва Самандар Шермуҳаммадов автомобиль билан мукофотланди.

Олимпиада чемпиони бўлган ҳар бир шахматчига 200 минг доллардан, уларнинг мураббийларига 50 минг доллардан пул мукофоти ажратилди. Бронза медалини қўлга киритган ҳар бир парашахматчига 50 минг доллардан, уларнинг мураббийларига 12 минг 500 доллардан берилди.

Президент фармонига мувофиқ, Ватанимиз шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси, маҳорати ва жасорати учун бир гуруҳ шахматчилар, уларнинг устозлари ва соҳа вакиллари давлат мукофотларига сазовор бўлди. Учрашувда мазкур мукофотларни топшириш маросими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари мукофотлар спортчиларнинг бугунги ғалабасига берилган баҳо экани билан бирга уларнинг келгуси ютуқларига билдирилган ишонч рамзи эканини таъкидлади.

Спортчилар, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийлари сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарига шахмат соҳасига қаратилаётган эътибор ва яратилган кенг шароитлар, юксак эътироф учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Учрашув якунида Президентимиз терма жамоалар аъзолари ва уларнинг ота-оналари билан биргаликда суратга тушди.

ЎзА.

Берлиндаги «Q Gallery Berlin» галереясида Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган «Ўзгаришлар нафаси: ўзбек — герман маданий алмашинуви» номли кўргазма очилди.



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШДА МУҲИМ ВОСИТА

1 Бундан ташқари, уюшган меҳнат миграцияси бўйича ҳамкорлик, фуқароларни қонуний асосларда иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат, тиббий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм йўналишларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги эътироф қилинди. Хусусан, маданият кунлари, ректорлар ва тиббиёт форумлари ҳамда ёшлар иштирокида қўшма лойиҳаларни изчил давом эттириш ва ўқувчилар ўртасида алоқаларни йўлга қўйишга қаратилган ташаббусларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва парламент дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиш, Ўзбекистон — Беларусь хотин-қизлари бизнес форумлари доирасида эришилган келишувларни амалий лойиҳаларга айлантириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Учрашув якунида парламентлараро, ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро парламент платформалари доирасида ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди.

ДЕПУТАТЛИК ДИПЛОМАТИЯСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, маҳаллий вакиллик органлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро манфаатли ташаббусларни илгари суриш масалалари икки давлат учун бирдек манфаатли.

Муҳокама

Кеча Хива шаҳрида “Стратегик шериклик: парламентлараро мулоқотни ривожлантириш, ҳамкорликнинг янги вазифалари ва истиқболлари” мавзуида тўртинчи Ўзбекистон — Беларусь парламентлараро форуми доирасида бўлиб ўтган маҳаллий вакиллик органлари раҳбарларининг учрашувида айни масалалар қизғин муҳокама қилинди.

Суҳбат чоғида қайд этилганидек, маҳаллий даражада ҳамкорликни изчил ривожлантириш, Ўзбекистон ва Беларусь стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш икки халқ ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда маҳаллий вакиллик органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, фуқаролар иштирокини кучайтириш ҳамда жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, янги иқтисодий шериклик йўналишларини йўлга қўйиш бўйича фикр алмашилди.

Депутатлик дипломатиясининг имкониятларидан самарали фойдаланиш, маҳаллий вакиллик органлари ўртасида мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш, ўзаро ташрифлар ва ишчи учрашувларни кенгайтириш иштирокчилар эътиборидан четда қолмади.

Мулоқот якунида Ўзбекистон ва Беларусь маҳаллий вакиллик органлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган икки томонлама 15 та келишув имзоланди. Мазкур ҳужжатлар ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш, тажриба алмашиш ва амалий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРДАН АМАЛИЙ ШЕРИКЛИК САРИ

Шундай шаҳарлар борки, улар нафақат ўтмишдан сўзлайди, балки замонавий мулоқотларга ҳам ўзига хос руҳ бағишлайди. Асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаган, илм-фан, маданият ва савдо йўллари кесишган қадимий Хива шаҳри яна бир муҳим халқаро учрашувга мезбонлик қилмоқда.

Форум



Кеча бу ерда “Стратегик шериклик: парламентлараро мулоқотни ривожлантириш, янги вазифалар ва ҳамкорлик истиқболлари” мавзуида тўртинчи Ўзбекистон — Беларусь парламентлараро форуми ўз ишини бошлади.

Форумнинг аҳамияти унинг иштирокчилари географияси ва муҳокама қилинаётган масалалар кўламида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Унда икки давлат парламентлари палаталари раҳбарлари ва аъзолари, ҳукумат, вазирлик ҳамда идоралар, маҳаллий вакиллик органлари, олий таълим муассасалари, ёшлар парламентлари ва бизнес вакиллари иштирок этаётгани замонавий парламентлараро мулоқот фақат расмий учрашувлар ёки фикр алмашиш билангина чекланиб қолмаётганидан далолат беради.

Тадбир доирасида маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, ҳудудлараро тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бу бежиз эмас. Чунки бугунги кунда халқаро ҳамкорликнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг ҳудудларда қандай натижа бераётгани билан ўлчанади. Янги корхона ва иш ўрни, янги таълим лойиҳаси, қўшма инвестиция ёки туристик маршрут — шерикликнинг ҳаётдаги аниқ ифодаси. Хивадаги форум ана шу мақсадга хизмат қиладиган мулоқотлар учун кенг имконият яратмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон ва Беларусь тадбиркор аёлларининг тўртинчи бизнес форуми доирасидаги муҳокамалар ҳамкорликнинг иқтисодий мазмунини янада бойитмоқда. Унда саноат кооперацияси, қўшма инвестициялар, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, агросаноат мажмуаси, озиқ-овқат хавфсизлиги, биотехнологиялар, гуманитар соҳалар ва туризм каби йўналишлар қамраб олинди.

Бизнес-форумнинг саноат кооперацияси ва қўшма инвестицияларга бағишланган шўъба йиғилишида икки мамлакат ўртасида ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш, маҳаллийлаштириш ва қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Бундай ёндашув шуниси билан муҳимки, энди ҳамкорлик фақат тайёр маҳсулотлар айирбошлаш билан чекланмай, ишлаб чиқариш занжирларини биргаликда шакллантириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилади.

Муҳокамада барқарор кооперация занжирларини шакллантириш, корхоналарнинг янги бозорларга чиқиши, инвестициявий лойиҳаларни кўпайтириш масалалари эътиборга олинди.

Айни жараёнда хотин-қизларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутди. Иш ўринлари яратиш, касбий компетенцияларни ривожлантириш, аёлларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш иқтисодий ҳамкорликнинг ижтимоий аҳамиятини ҳам белгилаб бермоқда.

Бугун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва замонавий агротехнологияларни қўллаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигининг агросаноат йўналиши ҳам кенг имкониятларга эга.

Форумда қишлоқ хўжалиги техникаларини Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, чорвачиликда замонавий озиқлантириш усулларидан фойдаланиш, генетика ва ветеринария соҳаларида технологиялар алмашинувини кенгайтириш бўйича таклифлар билдирилди. Бундан ташқари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари, селекция ва уруғчилик, агробиотехнологиялар, рақамли ечимлар ҳамда қўшма илмий тадқиқотлар ҳам истиқболли йўналишлар сифатида қайд этилди. Бу борадаги ёндашувнинг мазмуни оддий: агросаноат ҳамкорлиги фақат маҳсулот савдоси эмас, балки технология, илм-фан, инвестиция ва қўшма ишлаб чиқаришни қамраб олган узвий тизимга айланиши керак.

Ҳар қандай стратегик шерикликнинг пойдевори, аввало, инсон капитали билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, форум доирасида ташкил қилинган таълим, фан ва тиббиёт масалаларига бағишланган муҳокамалар алоҳида аҳамият касб этди.

“Ўзбекистон ва Беларуснинг гуманитар ва ижтимоий соҳалардаги стратегик шериклиги: имкониятлар ва истиқболлар” мавзуидаги шуъба йиғилишида олий ҳамда профессионал таълим, илмий тадқиқот, соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва инновация соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама қилинди.

Олий таълим муассасалари ўртасида алоқаларни кенгайтириш, муҳандислик йўналишларида қўшма кадрлар тайёрлаш, профессионал таълим соҳасида тажриба алмашиш каби масалалар бугунги меҳнат бозори талаблари нуқтаи назаридан ғоятда муҳим.

Илм-фан йўналишида эса биохилмахиллик, генетика ва замонавий технологиялар бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш имкониятлари кўриб чиқилган бўлса, тиббиёт соҳасида она ва бола саломатлиги, педиатрия, тиббий хизмат сифати ва ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўйича тажриба алмашиш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Бундан кўринадики, парламентлараро мулоқотнинг муҳим йўналишларидан бири — инсон саломатлиги, таълим сифати ва илм-фан тараққиёти учун янги имкониятлар яратиш.

Аёнки, Хива Ўзбекистоннинг улкан маданий-тарихий ва сайёҳлик салоҳиятини намоён этади.

“Туристик мулоқот: салоҳиятдан аниқ қўшма лойиҳалар сари” мавзуидаги муҳокамада икки мамлакат ўртасида сайёҳлик алмашинувини ошириш, янги туристик маҳсулотлар ва қўшма маршрутлар яратиш, хизматлар сифатини яхшилаш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг маданий-тарихий, экологик, этник, гастрономик, таълим ва зиёрат туризмидаги имкониятлари Беларусь томонининг экотуризм, туристик қишлоқлар, таълим туризми ва соҳа учун кадрлар тайёрлаш борасидаги тажрибаси билан уйғунлашиши мумкин.

Энг муҳими, муҳокамалар аниқ амалий ҳамкорликка — туроператорлар, меҳмонхоналар ва хусусий сектор ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кучайтириш, қўшма туристик лойиҳаларни шакллантиришга қаратилди.

Анжуман доирасида ташкил этилган “Made in Uzbekistan” ва “Made in Belarus” брендлари остидаги экспозицияда икки мамлакатнинг вазирлик ва идоралари, тармоқ бирлашмалари, корхоналари ҳамда тадбиркор аёллари томонидан амалга оширилаётган лойиҳа ва ташаббуслар тақдим этилди.

Кўргазмада тўқимачилик, ипакчилик, чарм-пойабзал, ёғочни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари билан бир қаторда, IT-ишланмалар, инновацион ечимлар, тиббиёт ҳамда косметика маҳсулотлари, туризм салоҳияти ва машинасозлик саноати намуналари намойиш қилинди. Унда Ўзбекистон ва Беларусдан юздан ортиқ корхоналар иштирок этди.

Кўргазма оддий маҳсулотлар намойиши эмас. У тадбиркорлар учун янги ҳамкор топиш, бозорларни ўрганиш, технология ва тажриба алмашиш, қўшма лойиҳалар учун мулоқот бошлаш имконини берувчи амалий майдон.

Икки кун давом этадиган форум якунида Хива декларациясини қабул қилиш, тижорат шартномалари, ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва меморандумларни имзолаш режалаштирилган. Бу ҳужжатлар форумда билдирилган фикр ва ташаббусларни аниқ келишувларга айлантириш нуқтаи назаридан муҳим. Чунки парламентлараро мулоқотнинг ҳақиқий самараси амалий натижаларда намоён бўлади. Қонун ижодкорлигидаги тажриба алмашинуви, ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорлик, инвестиция, саноат кооперацияси, таълим ва илм-фан, тиббиёт, туризм ва агросаноат соҳаларидаги янги лойиҳалар — буларнинг барчаси икки мамлакат муносабатларининг мазмунини янада бойитиши мумкин.

Бугун Хива тарихини сўзлаётган шаҳар сифатида эмас, балки келажакка қаратилган мулоқотлар майдони ўлароқ ўз сўзини айтмоқда.

«Халқ сўзи».

АСАРЛАРИ ЭЗГУЛИККА УНДАЙДИГАН БЕТАКРОР АДИБ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат драма театрида ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири, атоқли адиб, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Ўткир Ҳошимов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган адабий-маърифий хотира кечаси бўлиб ўтди.

Хотира кечаси

Тадбирда эътироф этилганидек, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг юксак эътибори ва ғамхўрлиги билан адабиёт ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, хусусан, улуғ ижодкорларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу файзли анжуман ҳам ана шундай эътиборнинг амалий намуналаридан бири бўлди.

Сўзга чиққанлар Ўткир Ҳошимов асарларида миллий руҳ ва инсонийлик устувор ўрин эгаллаши, айни дамда эзгулик, одамийлик, меҳр-мурувват адибнинг ўзига хос инсоний фазилатлари эканини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, адиб ижодининг миллий адабиётимиздаги ўзига хос ўрни, бадиий тафаккури ҳамда инсон қалби ва ундаги турфа кечинмаларни юксак маҳорат билан тасвирлаш салоҳияти хусусида батафсил сўз юритилди.

— Ўткир Ҳошимов ўз китоблари — қиссалари, ҳикоялари ва романлари билан халқимизнинг қалбидан чуқур ўрин олган ижодкор, — деди филология фанлари доктори, адабиётшунос олим Баҳодир Карим. — Хусусан, ёзувчининг “Дунёнинг ишлари” асарини ўқиган китобхон оиладаги парокандалик жуда улкан бир синов эканини теран англайди. Асар жуда самимий, гўзал ёзилган, бу қайсидир маънода автобиографик характерга эга. Қолаверса, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” каби асарлари ҳам қайта-қайта ўқиладиган китоблар сирасига киради.

Самимий ва ёркин руҳда ўтган адабий-маърифий анжуманда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ижодининг ўзига хос ва бетакрор жиҳатлари, унинг халқимиз маънавиятини ривожлантириш йўлидаги заҳматли хизматлари, фидокорона меҳнатлари ҳаётий мисоллар асосида ёдга олинди.

Хотира кечасининг энг муҳим ва таъсирчан қисмларидан бири — Ўткир Ҳошимов иштирокидаги архив видеолавҳаларининг намойиши бўлди. Унда адибнинг турли йиллардаги суҳбатлари, адабиёт, ижод, инсон ва умр ҳақидаги қимматли фикрлари акс эттирилган лавҳалар адабиёт мухлисларига тақдим қилинди. Адиб асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар, ёзувчи ҳаётига оид видеолавҳалар намойиш этилди, миллий руҳ билан йўғрилган куй-қўшиқлар ижро қилинди.

Адабий-маърифий кечада Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

«ҲАР БИР ЮРИШ БИЗГА ВАТАНИМИЗ ОЛДИДАГИ ИШОНЧНИ ОҚЛАШГА БЕРИЛГАН ИМКОН ЭКАНИНИ ҲИС ҚИЛИБ ТУРДИК»

Ўзбекистон — икки карра Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси чемпиони! Мамлакатимизнинг фидойи, ўзига ишонган ва иқтидорли ўғил-қизлари матонати ҳамда улкан меҳнатлари эвазига қўлга киритилган ушбу юксак ғалабалар ҳали йиллар оша қанчадан-қанча авлодларга ифтихор бағишлаши ва янги марралар сари руҳлантириши турган гап.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида дунёнинг 205 давлатидан 397 та жамоа иштирок этган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ҳақиқатда ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Бинобарин, барчамиз Ўзбекистон жамоаларининг ўйинлари ва бир-биридан ажойиб ғалабаларини қалбда ўзгача сурур билан кузатиб бордик.

Дил сўзи

Қувонарлиси, асосий эркаклар терма жамоамиз Ҳиндистон, Хитой, АҚШ ва Украина каби дунёнинг энг кучли жамоаларини мағлуб этиб, ҳақли равишда чемпионликни қўлга киритди. Йигитларимиз 11 та турдан 10 тасида ғалаба қозониб, 20 очко билан ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Самарқандга ташриф буюрган 60 мингдан ортиқ меҳмонлар ва ҳудудлардаги “фан зона”ларда ярим миллионга яқин мухлислар гувоҳлигида ўтган ушбу мусобақа юртимиз ёшларининг улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилди, десак, айни ҳақиқат.

Асосийси, юртимизда бошланган ушбу шодиёна шукуҳи ҳали давом этаётир. Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан ёш шахматчиларимиз ва уларнинг мураббийлари юксак мукофотлар билан тақдирлангани ҳамда Кўксарой қароргоҳида учрашиб фикрлар билдиргани қувончларга-қувонч қўшди.

Турнирда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган шахматчи ёшларимизнинг фикрлари ва дил изҳорларини ёзиб олдик.

Нодирбек АБДУСАТТОРОВ, 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ғолиби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи:



— Мусобақага тайёргарлик жараёнларидаёқ 2022 йил Ченнайда қўлга киритилган чемпионлик тасодиф эмаслигини, Ўзбекистонда шахмат спорт турини ривожлантиришга катта эътибор ва имкониятлар берилаётганини ўз юртимизда мухлислар қаршисида исботлашимиз кераклигини дилдан ҳис қилиб турардик. Ҳа, ўз Ватанимизда, Самарқанд заминида дона суриш бутунлай бошқача масъулият юкларди кишига.

Очиғи, сўнгги партия тугаб, ғалаба нақд бўлганида, энг аввало, зиммамиздаги улкан масъулият юки бироз бўлса-да енгиллаганини ҳис қилдим. Ахир, бу мусобақа шунчаки 64 хонали тахтадаги тактика эмас, балки юрт шаъни, ўзбек шахмат мактабининг қудратини кўрсатувчи баҳс эди.


Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айта оламанки, шахматда энг асосий рақиб қаршингизда турган одам эмас, сизнинг ичингиздаги қўрқув ва ҳаяжондир. Шу боис позиция қанчалик мураккаблашмасин, соат миллари нечоғли шоширмасин, ўзни хотиржам тутиш ва идрокни охиригача қийнаш даркор.

Мураббийларимиз, хусусан, Рустам Қосимжонов билан олиб борган таҳлиллар ва тактик тайёргарлигимиз менга катта ишонч бағишлади. Қолаверса, жамоадошларим Нодирбек Ёқуббоев, Жавоҳир, Муҳиддин ва Шамсиддиннинг руҳияти менга икки ҳисса куч берди.

Асосийси, давлатимизда шахматга катта эътибор қаратилмоқда ва биз энг юқори натижаларга эриша оляпмиз. Шахмат академияларининг очилиши, ёшлар ўртасидаги мусобақаларнинг мунтазам ўтказилиши ва халқаро гроссмейстерларнинг жалб этилиши ўз мевасини бермоқда.

Бугун Ўзбекистонда шахмат оммавий ҳаракатга айланди. Ҳар бир маҳаллаю мактабда болаларнинг шахматга бўлган қизиқишини кўриб кўнгил ўсади. Бизнинг ушбу олимпиададаги ғалабамиз минглаб ёшлар қалбида “Мен ҳам уддалай оламан!” деган ишонч учқунини ёққан бўлса, ўзимизни бахтиёр деб биламиз.

Жавоҳир СИНДАРОВ, 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ғолиби, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби:



— Шахмат тахтаси олдида соатлаб ўтириб, минглаб вариантларни хаёлдан кечираётган вақтингиз ортингизда Ватан ва сизга ишонч билдирган халқ турганини англашнинг ўзи ҳам инсонга катта куч беради.

Бу галги Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ҳаётимиздаги энг унутилмас ва шарафли синовлардан бири бўлди, десам, адашмайман. Чунки мусобақа давомида дунёнинг энг кучли шахмат мамлакатлари бўлган АҚШ, Ҳиндистон, Хитой ва Германия каби терма жамоаларга қарши муросасиз баҳслар олиб бордик. Ҳар бир тур, ҳар бир доскадаги кураш маҳорат билан бирга, темирдек ирода ва сўнмас шижоатни ҳам талаб этарди. Шу боис биз алоҳида бешта ўйинчи эмас, балки ягона вужуд, жипслашган жамоа сифатида ҳаракат қилдик.

Баҳслар давомида баъзи партияларда позициявий мураккабликлар ва вақт танглиги юзага келди, дарҳол дадиллик билан олға интилдим ва бунинг натижасини ўзингиз ҳам яхши биласиз.

Очиғи, доимо тахта қаршисига чиққанимда ҳужумкор ва ташаббускор ўйин кўрсатишга уринаман. Чунки шахматда ташаббусни ўз қўлида ушлаб турган ўйинчи рақибни хато қилишга мажбурлай олади.

Бугун юртимизда шахматга бўлган қизиқиш ва эътибор жуда юқори даражада. Мактабларда, маҳаллаларда минглаб ёш ўғил-қизлар шахмат тахтаси атрофида жамланмоқда. Ишонамизки, келажакда уларнинг орасидан ҳали кўплаб чемпионлар етишиб чиқади.

Президентимиз мукофотлар билан тақдирлаганида ҳамда ушбу юксак мукофотни шахсан Юртбошимиз қўлидан қабул қилиб олган пайтимиз қалбимизни фахру ҳаяжон, қолаверса, катта масъулият ҳисси эгаллади.

Ушбу юксак мукофотни фақат ўзимга эмас, балки кечалари мижжа қоқмай ҳар бир ўйинни таҳлил қилган жамоадошларим ва мураббийларимиз меҳнатига ҳам берилган юксак баҳо, деб биламан.

Нодирбек ЁҚУББОЕВ, 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ғолиби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи:

— Ўзига ишонч билан баҳсларга кирган жамоамиз 11 турнирнинг 10 тасида ғолибликка эга чиқиб, юртимиз номини яна дунёга таратди. Бунинг ортида қанча заҳмат, устозлардан олинган сабоқлару уйқусиз тунлар борлигини сезиш қийин эмас, албатта.



Тан оламан, мусобақада сўнгги турнинг охирги сониярларигача асаблар дош бермайдиган даражада кучли руҳий босим бор эди. То ғалаба нақд бўлиб, Ўзбекистон биринчилик шоҳсупасига чиққунига қадар қалбимиз ҳаяжонда эди. Асосийси, ўйинлар давомидаги ҳар бир юриш Ватанимиз олдидаги ишончни оқлашга берилган имкон эканини теран ҳис қилиб турдик.

Давлатимиз раҳбарининг бизга йўллаган табриги эса, энг аввало, чексиз ғурур ва ифтихор туйғусини бағишлади. Ундаги ҳар бир сўз, билдирилган юксак ишонч юрак-юрагимизгача етиб борди. Юртбошимизнинг биз каби спортчиларга оталарча ғамхўрлик кўрсатиши, хусусан, шахматчиларимиз меҳнатини юқори баҳолаши бизга зиммамиздаги масъулият нақадар катталигини яна бир бор эслатди.

Шахмат шунчаки тахтадаги доналарни суриш эмас, балки характер ва интизом синови, десам, адашмайман. Яъни одамда иқтидор бўлиши мумкин, лекин агар доимий меҳнат ва интизом бўлмаса, у ҳеч нарсага арзимай қолиши турган гап. Шунингдек, бу ўйинда мағлубиятсиз йўл бўлмайди. Ҳатто энг буюк шахматчилар ҳам енгилади, муҳими, мағлубиятдан сўнг тушкунликка тушмай, хатоларни таҳлил қилиб, тахта қаршисига янада кучлироқ бўлиб қайта олишдир. Ўзим ҳам болалигимда кўп мағлуб бўлганман, бироқ ҳар бир хато ўйинни қайта таҳлилдан ўтказиш ва янада кучлироқ бўлиб қайтишга ундаган. Мана, бугун шуларнинг натижаси ўлароқ кумуш медалга сазовор бўлдим.

Самарқанд заминидаги ғалабамиз сўнгги марра эмас, балки янги марраларнинг дебочаси ҳисобланади. Бизнинг бош мақсадимиз — классик шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини Ўзбекистонга олиб келиш! Бунинг учун ҳали жуда кўп ишлашимиз, рейтингимизни оширишимиз ҳамда номзодлар турнирида ғолиб бўлишимиз лозимлигини ҳам яхши англайман.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Президентимиз фармонига кўра, 2026 йил 1 октябрдан республикада тозалик ва озодалик долзарб икки ойлиги ўтказилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 30 сентябрь

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН МАНФААТЛАРИ, ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Конституциявий суд фаолиятини ривожлантириш, миграция бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш, болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизимини мукаммаллаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталар, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилингани қайд этилди.

Конституциявий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

У Конституция устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли суд ҳимоясини кучайтириш, Конституциявий суд қарорларининг суд амалиётида самарали ижросини таъминлаш ҳамда конституциявий суд ишларини юритишга доир процессуал тартибларни аниқ белгилашга қаратилган нормаларни ўз ичига олган.

Унда фуқаролар ва юридик шахсларнинг шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқини самарали амалга ошириш учун қўшимча ҳуқуқий кафолатлар яратилмоқда. Хусусан, суд орқали ҳимояланишнинг барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган ва судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги юзасидан шикоят қилиш механизми аниқлаштирилмоқда.

Депутатлар қайд этганидек, мазкур нормалар конституциявий одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Наркотик моддалар муомаласи устидан назорат кучайтирилади

Депутатлар “Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этди.

Ушбу ҳужжат наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш, гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш ҳамда соҳада давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан наркотиклар, кучли таъсир қилувчи моддалар ва прекурсорлар муомаласини, шунингдек, гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш соҳасини комплекс тартибга солиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, “наркотиклар”, “наркожиноят”, “нарковазият”, “гиёҳвандликка қарши курашиш”, “наркожиноятларга қарши курашиш” каби тушунчаларга ҳуқуқий таърифлар берилмоқда.

Лойиҳада наркотиклар, кучли таъсир этувчи моддалар ва прекурсорлар муомаласини назорат қилиш ҳамда гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш йўналишида давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатлари аниқлаштирилмоқда. Жумладан, соҳадаги давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Наркотиклар устидан назорат қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан амалга оширилиши белгиланяпти.

Ҳужжат билан наркожиноятларнинг янги, айниқса, интернет тармоғидаги усулларига қарши курашиш, ноқонуний нарколабораторияларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш, наркотикларнинг ноқонуний муомаласи каналларини бартараф этиш бўйича тезкор-қидирув ва бошқа чораларни амалга ошириш юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотларига аниқ вазифалар ҳам белгиланмоқда.

Наркотиклар ва кучли таъсир этувчи моддалар муомаласини назорат қилиш билан бир қаторда, профилактика йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, масъул давлат органлари ва ташкилотларига аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларда гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантиришга, таълим муассасаларида наркотиклар тарқалишининг олдини олишга, наркологик ёрдам, профилактика, диагностика, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим вазифалар юклатилмоқда.

Бундан ташқари, наркожиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қаратилган янги механизмлар назарда тутиляпти. Хусусан, наркожиноятга йўл қўйган ёки наркожиноятлар натижасида олинган даромадларни легаллаштириш мақсадида молиявий операцияларни амалга оширган юридик шахсни суд қарорига асосан тугатиш мумкинлиги белгиланмоқда.

Дилдора КАМОЛОВА,
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:



— Қонун лойиҳасида наркожиноятларга қарши курашишда замонавий технологиялар ва илмий ёндашувлардан фойдаланишни рағбатлантириш, соҳадаги илмий, амалий ва технологик тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, наркожиноятлар ҳақида хабар берган ёки уларга қарши курашишга кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг шахсига доир маълумотлар сир сақланишини кафолатлашга қаратилган нормалар ҳам ўз ифодасини топмоқда. Мазкур ҳужжат бугунги кунда долзарб бўлиб, уни ишлаб чиқишда миллий қонунчилик билан бир қаторда, хорижий давлатларнинг соҳага оид тажрибаси ўрганилиб, улардаги мақбул механизмлар инобатга олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Миграция бўйича қонунчилик такомиллаштирилмоқда

Мажлисда “Миграция соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат қонунларни бир-бирига мослаштириш, миграция бўйича қоидаларни замон талабларига мувофиқ равишда тартибга солиш ва қонунларни амалда қўллашда ягона тартибни таъминлашга қаратилган.

Лойиҳада фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни меҳмонхоналар, мотеллар, туристик лагерлар, дам олиш уйлари ва зоналари, санаторийлар, даволаш пансионатлари, давлат тасарруфидаги ва хусусий клиникалар, шифохоналарга келганда ушбу ташкилот ва муассасаларда турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган нормалар киритилмоқда.

Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги Қонун нормаларига мувофиқлаштирилди. Хусусан, фуқароларни яшаш жойи ва турган манзили бўйича рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ атама ва тушунчалар қонун ҳужжатларида бирхиллаштирилди. Амалдаги бир қатор кодекс ва қонунлардаги “доимий яшаш жойи” ва “вақтинча турган жойи” каби тушунчалар тегишинча “яшаш жойи” ва “турган жойи” тушунчаларига мувофиқлаштирилди.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар таклифлари, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти атрофлича ўрганилиб, унинг айрим нормалари янада такомиллаштирилди.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг такомиллаштирилган нормалари, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсири ҳамда белгиланаётган ҳуқуқий механизмларнинг самарали ишлаши юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Болаларга нисбатан зўравонлик содир этганлик учун жавобгарлик кескин кучайтирилмоқда

“Адолат” СДП фракцияси ташаббуси асосида киритилган — болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Унда болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик ва жинсий тажовузлар учун жазо чораларини кучайтириш, жабрланган болаларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда масъул ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган нормалар акс этмоқда.

Энг аввало, болаларга нисбатан содир қилинган ўта оғир жинсий жиноятлар учун жазо кескин кучайтирилмоқда. Хусусан, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятлари учун узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида боланинг жинсий эркинлигига қарши жиноятларни содир қилган шахслар жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги сабабли жавобгарликдан ва жазони ижро этиш муддати ўтганлиги боис жазодан озод қилинмаслиги белгиланмоқда. Бу орқали бола ҳаётига тажовуз сифатида баҳоланадиган оғир қилмишлар учун жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий кафолатлар кучайтирилади.

Болалар ҳимояси фақат жиноят содир этилганидан кейин жазо тайинлаш билан чекланмайди. Зўравонликнинг олдини олиш, жабрланган боланинг ҳуқуқларини таъминлаш ва унинг манфаатларини тергов ҳамда суд жараёнларида ҳимоя қилиш ҳам бирдек муҳимдир.

Шу мақсадда зўравонликдан жабрланган вояга етмаганларни сўроқ қилиш жараёнини видеоёзув орқали қайд этиш, жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича жабрланган бола билан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини юзлаштиришни махсус тартиб асосида ўтказиш таклиф этилмоқда. Болага яқин шахслар томонидан зўравонлик содир қилинган ҳолатларда эса жиноят ишини судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси жараёнларида васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, зўравонликдан жабрланган ёки унга гувоҳ бўлган болаларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш механизми ҳам жорий этилмоқда. Бу болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг моддий шароитидан қатъи назар, малакали юридик ёрдам олиш имкониятини кенгайтиради.

Қонун лойиҳаси болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишда масъулиятсизликка ҳам чек қўйишга қаратилган. Жумладан, болага ғамхўрлик кўрсатмаслик, Болалар масалалари бўйича комиссиялар қарорларини ижро этмаганлик ёки уларнинг ижросига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни белгилаш таклиф этилмоқда.

Вояга етмаганга нисбатан қасддан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш, бир гуруҳ шахслар томонидан ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этилишини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш, шунингдек, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жазо чораларини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатда болаларнинг хавфсизлиги учун ота-она ва таълим муассасалари ходимларининг масъулияти ҳам алоҳида белгиланмоқда. Болаларни тарбиялаш мажбуриятини бажармаслик, шаҳвоний шилқимлик қилиш ва никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш каби ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларини кучайтириш, таълим-тарбия жараёнида педагог томонидан болага нисбатан зўравонлик содир этилган тақдирда эса меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилиш учун ҳуқуқий асос яратиш таклиф этилмоқда.

Шу билан бирга, болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаш ҳам назарда тутилган.

Гулруҳ АГЗАМОВА,
Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



— Бола учун энг хавфсиз жой унинг уйи, энг ишончли инсонлар эса ота-онаси ва яқинлари бўлиши керак. Афсуски, ҳаётда ҳар доим ҳам шундай эмас. Айрим болалар айнан ўз уйида ёки таълим олаётган муассасада ўзи ишонган инсонлар томонидан зўравонликка дуч келмоқда. Ваҳоланки, боланинг сукути унинг розилигини англатмайди. Унинг ўзини ҳимоялай олмаслиги эса жамиятнинг уни ҳимоя қилиш мажбуриятини янада оширади. Асосийси, зўравонликка учраган бола ёрдам сўраш учун идорама-идора югурмаслиги, ўз бошидан кечирган даҳшатли воқеани қайта-қайта сўзлаб беришга мажбур бўлмаслиги керак. Аксинча, давлатнинг ўзи унинг ёнига бориши, унга ёрдам қўлини чўзиши, ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаши шарт.

Шу нуқтаи назардан, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, болаларга нисбатан зўравонликнинг ҳеч бир кўриниши эътиборсиз қолмаслиги, ҳар бир аниқланган ҳолат қонун доирасида баҳоланиши, айбдорлар қилмишига яраша қатъий жавоб бериши керак. Бу борада нафақат зўравонлик содир этган шахслар, балки болаларни ҳимоя қилиш бўйича ўз вазифаларини бажармаган масъулларнинг ҳам жавобгарлигини белгилаш муҳимдир.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болаларнинг ҳаёти, соғлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳимоясига ҳамда зўравонликнинг олдини олиш, жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини тиклаш ва жамиятда бундай қилмишларга нисбатан муросасиз муносабатни янада мустаҳкамлаши қайд этилди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар

Депутатлар “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

У тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали янада ишончли ҳимоя қилиш, ташқи савдо операциялари бўйича низоларни кўриб чиқишда иқтисодий судларнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган.

Амалда ташқи савдо операциялари бўйича активларни белгиланган муддатларда қайтариш таъминланмаган тақдирда, резидентларга қайтарилмаган активлар суммасидан келиб чиқиб молиявий жарималар қўлланилади.



Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили айрим ҳолатларда тадбиркор ташқи савдо операциялари бўйича мажбуриятларни бажариш учун ўзига боғлиқ барча чораларни кўрган бўлса-да, хорижий ҳамкорнинг ҳаракатлари, тўлов тизимларидаги чекловлар ёки бошқа объектив омиллар сабабли активларни ўз вақтида қайтариш имкони бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, амалдаги тартиб судларга бундай ҳолатларни тўлиқ инобатга олиб, жарима миқдорини мутаносиб равишда камайтириш имконини етарлича бермайди.

Маълумотларга кўра, иқтисодий судлар томонидан мазкур тоифадаги ишлар бўйича 2024 йилда 3,5 мингга яқин тадбиркорларга 752 млрд. сўмлик, 2025 йилда эса 9,1 мингдан ортиқ ишбилармонларга 3,3 трлн. сўмлик молиявий жарималар қўлланилган. Бу эса ташқи савдо фаолиятида инсофли ҳаракат қилган тадбиркорлар манфаатлари ҳимоясининг қўшимча ҳуқуқий механизмларини яратиш заруратини кўрсатади.

Шу боис лойиҳада жарима миқдорини 50 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгаяди

Мажлисда якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат билан Фуқаролик кодекси ва “Лизинг тўғрисида”ги Қонунга якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг олиш имкониятларини кенгайтириш, лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, “лизинг олувчи” тушунчасига аниқлик киритилиб, якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс лизинг олувчи сифатида эътироф этилиши белгиланмоқда. Бу орқали якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг муносабатларидаги ҳуқуқий мақоми аниқ кўрсатилади.

Лойиҳада лизинг объектини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш, бунда лизинг объекти лизинг олувчининг балансида ҳисобга олиниши ҳам акс этмоқда. Лизинг олувчи якка тартибдаги тадбиркор бўлган ҳолларда эса лизинг объекти лизинг берувчининг балансида ҳисобга олиниши тадбиркорларда бухгалтерия баланси мавжуд эмаслиги билан боғлиқ ҳолда лизинг хизматларидан фойдаланишдаги чекловни бартараф этишга хизмат қилади. Натижада якка тартибдаги тадбиркорлар учун лизинг хизматларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизми яратилади.

Қонун лойиҳасида лизинг объектининг ҳуқуқий ва мулкий эгалиги, амортизацияни қўллаш тартиби, шунингдек, лизинг объектидан фойдаланиш шартлари ва чекловлари шартномада мажбурий тартибда кўрсатилиши назарда тутилмоқда. Бу лизинг муносабатларида ҳуқуқий аниқликни таъминлаш ва шартнома шартларини бир хил ёндашув асосида шакллантиришга имкон беради.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Профилактика инспекторларининг фидокорона хизмати эътироф этилмоқда

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу ҳужжат билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори” фахрий унвонини таъсис қилиш таклиф этилмоқда.

Мазкур фахрий унвон ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўналишида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, ўзининг юксак касбий маҳорати, фидойилиги ва намунали хизмат фаолияти билан алоҳида ибрат кўрсатган ички ишлар органларининг профилактика инспекторларига берилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутиляпти. Фахрий унвонга сазовор бўлган шахсга тегишли кўкрак нишони топширилиши, унинг тавсифи ва ташқи кўриниши қонунчиликда белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Дилбар МАМАЖОНОВА,
Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:



— Бугунги кунда профилактика инспекторлари маҳаллаларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, айниқса, ҳудудларда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ҳисса қўшмоқда. Янги фахрий унвоннинг таъсис этилиши профилактика инспекторларининг жамиятдаги ўрни ва касбий нуфузини янада ошириш, уларнинг фидокорона меҳнатини муносиб рағбатлантириш, хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажаришга бўлган интилишини кучайтиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Шаҳвоний шилқимликка оид ишларга ҳуқуқий баҳо беришда прокурор иштироки таъминланади

Депутатлар вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, уларни ҳар қандай тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда бундай ҳолатларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилган шаҳвоний хусусиятга эга бўлган хатти-ҳаракатларда жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатларини аниқ чегаралаш ва уларга ҳуқуқий баҳо беришда прокурор иштирокини таъминлаш зарурати юзага келмоқда. Ушбу ҳужжат болаларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш, бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда уларга нисбатан шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 282-моддасига вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган шаҳвоний шилқимлик бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш ҳужжатларини прокурорнинг ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги ҳақидаги қарори олинганидан сўнг судга юборишни назарда тутувчи қўшимчалар ва ўзгартириш киритилмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар ҳужжатнинг аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар берди. Мутасаддилар кўтарилган саволларга атрофлича жавоб қайтариб, билдирилган таклифлар лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инобатга олинишини қайд этди.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда санаторий-курорт муассасалари ҳамда дам олиш ташкилотлари объектлари сони 749 тани ташкил этган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 19 279 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ғ. Баҳромов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6